

БАХР - (арабча - катта дарё, денгиз) аруз атамаларидан бири бўлиб, ушбу тизимни ташкил қилувчи асосий йирик ўлчов турини ифодалайди. Ўзбек арузидаги еттита аеллар деб аталувчи рукнларнинг турлича тартиб ва таркибда такрорланишидан 11 та бахр ҳосил бўлади. Бахрлар таркибий тузилиши жихатидан уч хилга бўлинади: 1) бир хил рукннинг айнан такроридан юзага келадиган бахрлар (мутакориб, мутадорик, хазаж, рамал, ражаз, комил); 2) икки хил рукннинг кетма-кет такрорланишидан ҳосил бўладиган бахрлар (мултасс, музореъ, хафиф, мунсарш); 3) иккита бир хил ва битта иккинчи хил рукнлар қўшилиши натижасида пайдо бўлган бахр (саригъ). [Бу ўринда ўзбек арузи ўзига ҳослигини эътиборга олиб, миллий шеърийатда фойдаланилмаган вофир, муктазаб, тавил, мадид, басит, қариб, мушоқил, қариб бахрларига диққат қаратилмади.]